

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

10/2023

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*Бахтияр ИСЛАМОВ*  
*Робахон МАХМУДОВА*  
*Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ*  
*Икрам МУСЛИМОВ*  
*Шухрат ПОЛВАНОВ*  
*Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Замира ЭСАНОВА*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхати-га киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

## Бош муҳаррир

*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

## Масъул котиб

*Муталиф СОДИҚОВ*

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** (71) 278-25-96, 278-91-96,  
278-96-54, **ФАКС:** 273-96-60

**E-mail:** odilsudlov.oliy@sud.uz

**Веб-сайт:** www.odilsudlov.sud.uz

**Telegram:** https://t.me/ODsud

Босишга 2023 йил 24 октябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табок. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 11.

Нашр адади 2735 нусха.

## Навбатчи муҳаррир

*Муталиф СОДИҚОВ*

**НАШР ИНДЕКСИ – 909**

**Сотувда келишилган нархда**

«ATLAS PRINT MEDIA» МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани, Дархон,  
Ипак берк кўчаси, 35-уй

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚ**

**Б. Мўминов.** Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолати.....3

**ҚИЁСИЙ ШАРҲ**

**О. Тошев.** Амнистия ва афв этиш институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили.....6

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ**

**А. Усманов.** Болалар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимояси.....11

**МУНОСАБАТ**

**Ғ. Машкуров.** Ҳуқуқий мониторинг субъектлари мақомининг ўзига хос хусусиятлари.....14

**Т. Жуманов.** Ички ишлар органлари олий таълим муассасасига кадрларни танлаш ва тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар.....19

**МУЛОҲАЗА**

**З. Раҳмонова.** FIDICнинг Ўзбекистондаги ўрни.....25

**ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА**

**Қ. Умидуллаев.** Секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш амалиёти таҳлили ва уни такомиллаштириш мезонлари.....28

**КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ**

**М. Саидов.** Корпоратив муносабатларда ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг айрим масалалари.....34

**МОЗИЙГА НАЗАР**

**Ш. Ўлжаева.** Амир Темур ва темурийлар давлатида суд-ҳуқуқ тизими.....40

**ОЛИЙ СУДНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

**Ш. Даминов.** Тақдири азал.....52

**М. Ворисова.** Ибрат мактаби.....54

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....79**

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

Темурийлар салтанати жаҳонда қонун устуворлиги ва адолат анъаналарига амал қилгани билан алоҳида ўрин тутди. Давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлиги, ахлоқ ва сиёсат уйғунлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, суд-ҳуқуқ тизимини тўғри ташкиллаштириш талаб этилган. Бу тизимнинг асосий ҳаракатлангичи кучи эса қозилар эди.

Чунки, Амир Темур даврида суд-ҳуқуқ тизимига оид вазифалар ихтисослашган бўлиб, уларнинг ичида қозилик мансаби энг нуфузли ва масъулиятли вазифалардан бири бўлган. Қозилар давлатнинг суд, ҳуқуқ-тартибот ишларини мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнаган. Улар ижтимоий адолат тамойилларини амалга ошириш, давлат ва ҳуқуқ, давлат ва фуқаро, фуқаро билан жамият, фуқаролар ўртасида муносабатларни мувофиқлаштириб турган. Улар наинки ҳуқуқ-тартибот, балки давлатнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилган. Қозилар жамиятда адолатни таъминлашда катта таъсир кучига эга бўлган. Бу даврда қарор топган ҳуқуқий мувозанат ва ўзига хос ҳуқуқий маданият ўз замонасида жуда катта маънавият, илм ва салоҳиятга эга бўлган қозилар етишиб чиққанини кўрсатади.

Темурийлар даврида қозилар обрў-эътиборли, ҳалол, билимли кишилар орасидан танланган. Амир Темур юриш қилган жойларда кўпинча қозилар ҳам давлат арконлари билан уни кутиб олишга чиққани, улардан ҳатто элчилар тайинлангани ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд.

Расмий маросимларда барча катта амалдорлар билан бирга қозилар фахрли ўнг томондан жой олган.

Салтанатнинг муҳим ишларида, ҳатто

ҳалқаро уруш-сулҳ ва бошқа низоли масалаларни ҳал қилишда қозилар фаол иштирок этган. Масалан, 1396 йилда Амир Темур Доғистонда бўлган пайтида сулҳ истагида Қози Қумуқнинг ва Авҳарнинг қози ақобирлари ва улуғлари Соҳибқирон хузурига ташриф буюрган.

Амир Темур Кермонга кириб борганда уларнинг давлат арбоблари билан бирга қозилар ҳам Амир Темур хузурига келган. «Кермон ақобирларидин Мавлоно Зиёвуддин ва Сайфулмулк ҳожи Абдуллоҳким, муҳасилимот эрди, келдилар. Сирож ва шайх Садриддинким, иккаласи қози эрдилар», дея таъкидлайди Шарафиддин Али Яздий<sup>1</sup>.

Тарихий манбаларда давлатнинг муҳим ишларини ҳал қилишда қозилар иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Шахсан Амир Темурнинг ўзи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, унинг томонидан йирик жиноятлар кўриб чиқилган ва айбдорлар жазоланган.

Ҳазрат соҳибқирон вазирлардан ножўя иш содир бўлса ёки улар эгаллаб турган мансабини суиистеъмол қилса, ундайларни қонун бўйича қаттиқ жазога тортган. Масалан, 1404 йил 9 октябрь куни у ўз мансабини суиистеъмол қилган мансабдорларни жазолайди.

Бу пайтда Кониғил майдонида минглаб чодирлар тикилган ва Самарқанд аҳли, ҳарбийлар, шоҳ оиласи, элчилар ва бошқа кишилар хурсандчилик қилиб дам олишаётганди.

Кутилмаганда, хунармандлар чодирлари тикилган жойда тезлик билан кўплаб дорлар ўрнатилган. Биринчи ҳукм Самарқанднинг йирик амалдорига нисбатан чиқарилган<sup>2</sup>. У бутун Самарқанд салтана-

тида энг мўътабар киши ҳисобланган. Темурбек олти йилу ўн бир ой олдин ҳарбий юришга кетаётганда, уни Самарқандни бошқариш учун қолдирган эди. Буродо Мирасса (Бурундуқ Мирзо) исмли бир унга яқин хўжайин ўша доруғанинг гуноҳини ўтсалар, тўрт юз минг кумуш танга беришини айтади, эвазига айбдорнинг гуноҳини ўтишни сўрайди. Бу амалдор ҳам қийноққа солинади ва бор-буди олиниб, дорга осилади.

Шунингдек, хожа Маҳмуд Довуд билан масжид қуришга масъул бўлган Муҳаммад Жалдани қатл эттирган.

Шу жараёнда Амир Темур баъзи қассобларнинг ўзи йўқлигида гўштнинг нархини оширгани учун дорга осилгани буюради.

Этикдўзлар ва бошқа ҳунармандлар ҳам молларини қиммат сотганлари учун жазоланади, улардан ортиқча пуллар қайтариб олинади.

Ўрта асрлардаги одатга кўра, аслзода инсоннинг бошини кесиб мумкин эмас эди. Шунинг учун улар осиб ўлдирилган, оддий фуқароларнинг эса боши кесилган. Кониғилда бўлиб ўтган ушбу воқеани Л. Керен куйидагича шарҳлайди: «Соҳибқирон Амир Темур юришдан қайтгандан сўнг эртаси кундан бошлаб салтанат юмушларига шўнғиб кетди: унинг қаҳри қаттиқлигини билган амалдорлар ва сипоҳийлар қалтираб туришарди. Ўзи узок вақт бу ерда бўлиб ўтган воқеалар баёнини диққат билан тинглагач, нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйган савдогарлар ва айбдорларни дорга остирди. Бева-бечораларга кийим-кечак ва озиқ-овқат улашилди, фуқаролар эса уч йил давомида барча солиқлардан озод қилиндилар»<sup>3</sup>.

Америкалик олима Беатрис Манц Амир Темур салтанатида Девони аъло ва Девони бузург мавжуд бўлгани, бу икки Девон параллел равишда бошқарилгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган. У Девони

бузург олий табақа зодагонлар ҳисобланмиш чигатой амирлари ва шоҳ хонадони аъзолари масалалари билан шуғулланадиган олий трибунал суд эканлигини айтиб ўтган.

Салтанатни бошқарувчи етти вазирнинг учинчиси дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кешиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирган.

Қози-ул қуззот мансаби Олий суд каби мавқега эга бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қози-ул қуззот Мавлоно Жалолиддин тилга олинган.

Амир Темур набираларининг никоҳ тўйини ўтказилиши жараёнида Самарқанд қози-ул қуззоти Мавлоно Жалолиддин бу ишларга бош бўлган. У бу вазифани «ижобу қабул амрига қийом қилди ва шаҳзодаларни ҳанафий мазҳабида иқд боғладилар», деб хабар беради Шарафиддин Али Яздий.

Маълумотларга кўра, ҳар бир шаҳарда шаҳар ҳокимининг саройи – дорул иморат, қозихона – суд идораси, адлия бошқармаси – дорул адолат қурилган. Бу идоралар мамлакат ҳуқуқ-тартиботини сақлашга масъул ҳисобланган.

Маҳаллий маъмурий ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишлари, аввало, шаҳар ҳокими, доруғалар зиммасига юклатилган.

Шунингдек, ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутволлар тайинланган бўлиб, улар халқнинг тинч-осойишталигини кўриқлаган, борди-ю бу ҳудудда бирор нарса йўқолса ёки ўғирланса кутволлар жавобгар бўлиб, уларга доруғалар каби йўқолган молни тўлаш мажбурияти юкланган. Шунингдек, йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга бехатар етказиб қўйиш учун зо-

битлар тайинланган. Агарда йўлда ўғирлик ёки қотиллик жинояти содир этилса, жавобгарлик улар зиммасига юкланган<sup>4</sup>.

«Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб хузуримга келувчиларнинг ахволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин», дейилади «Тузуклар»да.

Чигатой амирлари ва шаҳзодаларнинг қонунга хилоф ишларини кўрувчи амалдор **ярғучи** деб аталган. У олий трибунал судида фаолият юритган.

Қозилар қонунийлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, адолат, қонунларга сўзсиз амал қилиш каби тамойилларга амал қилган.

Агар томонлардан бири қозининг чиқарган қарори ёки ҳукмидан норози бўлса, унинг устида турган қозиларга, қозикалонга<sup>5</sup>, ҳатто давлат бошлиғига шикоят қилишга ҳақли бўлган. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш қозикалонга юклатилган.

**Амир Темур давлатида судлар шариат, фуқаролик, ҳарбий судларга бўлинган.**

Азамат Зиё «адлия, яъни суд-ҳуқуқ тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар, ё манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий суд (**лашкар қозиси**) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган»<sup>6</sup>, деган фикрларни илгари сурган.

Б. Аҳмедов фикрига асосан, дунёвий масалалар билан шуғулланувчи қозилар «**аҳдос қозиси**» деб номланган. Шариат ишлари билан шуғулланувчи қозилар «**шариат қозиси**», сипоҳийлар ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни ҳал этувчи қози «**қози аскар**» деб айтилган<sup>7</sup>.

Бу қозиликларнинг ҳар бирига аниқ ва алоҳида вазифалар изчил белгилаб берилган.

«Амр этдимки, гуноҳкорни гуноҳи

исботлангач жазоланглар. Агар мол билан жазоласалар, қамчи билан жазоламанглар. Тўрт иш бўйича, яъни, тиш синдириш, кўзни кўр қилиш, зино қилиш ва шароб ичиш шариатга мувофиқ сўралсин», дея фармон берган Амир Темур.

Шаръий ишлар бўлса, қозийи ислом ишга мувофиқ шаръий ҳукм чиқарган. Агар урфий ишлар бўлса, ҳадислар қозиси арзига етказган<sup>8</sup>.

Қозиларнинг фаолияти ҳақидаги барча маълумотлар тўғрисида девонга, шахсан Соҳибқиронга узлуксиз ҳисобот бериб турилган.

Амир Темур даврида ташкил этилган давлат **ноҳия** – округларга, ўн мингликлар – **туманларга**, мингликлар – **ҳазора**, юзликлар – **сада** ва ўнликлар – **дахаларга** бўлинган. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий бошқаришнинг ўнликлар тизими мавжуд бўлиб, унинг асосига белгиланган тартибда Амир Темур кўшини учун аскар етказиб бериш вазифаси қўйилган<sup>9</sup>.

Амир Темур даврида маҳаллий бошқариш ишлари яхши ташкиллаштирилган бўлиб, ҳар бир вилоят, шаҳар, туманларнинг ўз **ҳокими**, **молия девони**, **қозиси**, **муфтийси**, **мутаваллиси** ва **мухтасиби** бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда **кутвол**, яъни комендант тайин этилган.

Бизнингча, улар бир томондан маҳаллий маъмурларга, иккинчи томондан **Олий девонга** бўйсунган.

Мингта от, мингта туя минган ва минг чопар-хабаргирлар орқали пойтахтга хабарлар бериб турилган. Улар давлат сарҳадларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида муттасил хабар бериб турганлар. Хусусан, қозилик дафтарлари, берилган жазолар, аҳоли томонидан қилинган арзлар кунма-кун хабаргирлар томонидан Самарқандга етказиб турилган. Бу усул қамчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этган. Ёлғон хабар ёзганларнинг бармоқлари, туҳмат хабар ёзганлар-

нинг боши кесилган. Соҳибқироннинг йи-гирма етти давлатни бирлаштирган йирик салтанатидаги муттасил кузатув ва хабарлар алмашинуви жойларда ҳақиқат ва адолат ўрнатилишига хизмат қилган.

Испания қироли элчиси сифатида Самарқандга ташриф буюрган Руи Гонзалес Де Клавихо томонидан қозиларнинг иш юритиши ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган: «Подшоҳ ўз салтанати ва хонадонининг ишлари билан шуғулланувчи қозиларни ҳамиша ўзи билан бирга олиб юради. Бирор жойга келганларида қозилар ўша мамлакат халқини бошқариш ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Мамлакат аҳолиси уларнинг раъйига итоат этади, фармойишларига бўйсундилар. Мазкур қозилар юмушнинг турига қараб қуйидагича белгиланади: бири одамлар орасида келиб чиқадиган чигалликларни ҳал этиш билан шуғулланадилар, бошқа бирлари подшога қарам бўлган турли шаҳарлар ва юртларга ноиб ва бошлик этиб тайинланадилар. Яна бошқалари элчилик вазифасини ўтайдилар»<sup>10</sup>.

Шунингдек, қозиларнинг фаолиятига оид маълумотларни ҳам испан сайёҳи ёзиб қолдирган: «Қачонки салтанат бошқаруви тузилмаси қарор топгач, қозиларнинг ҳар бири ўз ўрнини билиб жойлашади ва ишга тутинадилар. Қозилар учта чодир тикиб, бу чодирларда арз-дод билан келган кишиларни тинглайдилар ва ишларини ҳал этадилар. Чодирдан чиқиб подшоҳга ахборот берадилар, сўнг яна чодирга қайтиб тўртта ва олтиталаб ишни амалга ошириш учун тақдим этадилар. Бу кишилар бирор қоғоз ҳужжат тақдим этиш ҳақида фармойиш берсалар, уларнинг мирзолари дарҳол ҳозир бўлиб, ҳужжатни шу ондаёқ ихчам тарзда тайёр қиладилар. Ҳужжат тайёр бўлгач, уни махсус дафтарларга қайд этадилар. Шундан кейин мирзо бу қоғозни эгасига тақдим этиш учун маслаҳатчи ходимга топширади. Маслаҳатчи кесма

кумуш муҳрни олиб, унга сиёҳ суртиб қоғознинг ички томонига босади. Шундан кейин қоғозни бошқа киши олиб қайд этиб, ўз бошлиғига узатади. Қоғоз шу йўсинда уч-тўрт қўлдан ўтгач, унинг ўртасига салтанат муҳрини босадилар. Муҳрга «Рости – русти» («Куч адолатдадир») деган сўз ёзилган бўлиб, ўртасига бодом шаклидаги белги жойлаштирилган.

Шундай қилиб, ҳар бир маслаҳатчи ходимнинг ўз мирзоси ва ўз қайд дафтари бор. Муайян шахсга тақдим этилган бундай ҳужжатдаги подшоҳ муҳрини ва мирзолар муҳрини кўрсатиш билан ҳар қандай иш куни, шу соатдаёқ зудлик билан бажо келтирилади<sup>11</sup>.

Тарихий манбаларда Амир Темури ва Темурийлар даврида тайинланган қозилардан баъзилари тилга олинган. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг Азиз исмли билимдон ва ҳалол қозиси бўлган. Аскар қозилиги Саййид Зиёвуддинга берилган<sup>12</sup>.

Абдураззоқ Самарқандий томонидан Шохруҳ Мирзо даврида қози Имодуддин, қози Қутбуддин Абдуллоҳ, қози Салоҳуддин, қози Аҳмад Соидий ва бошқа қозилар эслатиб ўтилган.

Абдураззоқ Самарқандий Аҳмад Соидийни довюраларнинг пешқадами деб атаган ва энг катта тадбирлар ва учрашувларда у доимо иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтган.

Абдураззоқ Самарқандий Хоразмда амир Идикунинг ўғли Муборакшоҳ ҳоким бўлгани, Бекижак девон амири ва садр қози мансабида бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотни ёзиб қолдирган.

Шохруҳ Мирзо ҳузурига Хитойдан элчилар келганда Ҳожи Юсуф қози бир нечта тил билувчи мусулмонлар билан бирга элчилар олдига келгани ва уларга қоидаларни тушунтиргани ҳақида ҳам маълумот учрайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи ва XV аср тарихнависи Мирхонднинг кўрса-

тишларича, Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий Шохрух саройида «мулозимлик»да бўлиб, кўп йиллар давомида унинг ўрдуси (лашкари)да имомлик ва қозилик мансабини ўтаган. Шунга биноан, у Самарқанддан Ҳиротга Шохрухнинг ҳокимликка тайинланиш даврларида ёки ундан кейинроқ келиб қолган бўлиши мумкин<sup>13</sup>.

«Бобурнома»да Заҳириддин Муҳаммаднинг ёшликдаги пири-устози Хожа Мавлоно қози Абдулло ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бу зот ислом тарихидаги дастлабки тўрт халифа («чаҳорёр»лар) наслидан бўлмиш машҳур Шайх Бурҳониддин Қилич авлодларидан бўлиб, темурийларнинг Фарғона мулкидаги пири, устози сифатида шуҳрат қозонган эди.

Бурҳониддин Қилич Ўзгандда таваллуд топган Ўрта Осиёлик шайх Саййид Камолдиннинг невараси, Махдуми Аъзамнинг бобокалони бўлиб, Қорахонийлардан Бугроҳон абу Али Ҳасан ибн Сулаймонга замондош бўлган.

Унинг авлоди улуғ мутасаввуф олим бўлмиш Хожа Мавлоно Абдулло<sup>14</sup> қози Умаршайх мирзонинг мудҳиш ўлими юз берган таҳликали кунлари Бобурга оталик – пирлик қилган, 12 ёшли тажрибасиз ёш подшоҳни ғанимлардан сақлаб, тўғри йўлга етаклаган ва кўнглини кўтариб яхши маслаҳатлар берган, кейинчалик ҳам унга устозлик қилган зот эди.

Амир Темур салтанати ҳуқуқ-тартиботини ўрганар эканмиз, бу соҳада кўплаб мансабдорлар фаолият юритганлиги, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг аниқ вазифаларига эга бўлганлиги ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Шулардан бири **асаслардир**. Улар тунда фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлашга масъул бўлганлар.

Ҳар бир шаҳарда раият ва зироатни кўриқловчи **қурчилар** ҳам тайинланган.

Фуқаролардан тушган арз-додларни қабул қиладиган ва маъмуриятга етказадиган мансабдор **додхоҳ** деб аталган.

Солиқ йиғувчи, ясони амалга оширувчи мансабдор **ясоқий** бўлиб, улар **сарбоз** деб ҳам аталган. Солиқ йиғиш ишлари улардан тадбиркорлик ва адолат билан иш тутиш, халқ ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришни талаб этган.

Маҳкамалар **ясағлик** деб аталган. Улар давлат ичидаги тартиб-интизомни сақлашга масъул, жамоат тартибини бузган кишиларни текшириш, сўроқ қилиш ва жазолаш ваколатларига эга бўлганлар.

Тунги соқчилар **пос** (ёки посбон) деб аталган. Улар тунда фуқароларнинг тинчлигини сақлашга масъул бўлишган. Биз юқорида асаслар, ясағлик ва бошқа мансаблар ҳақида маълумот бергандик. Бу маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар турли-туман бўлганини ва уларнинг маълум вазифаси мавжудлигини кўрсатади.

**Асаслар** эса кеча қоровуллари, қидирув ишлари бошлиқлари бўлиб, ўз ходимлари – посбонлар билан маълум ҳудудларга бўлиниб, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутганлар.

Шариат асосида ижтимоий таркибни назорат қилиш ва маънавий хатоларнинг олдини олишга мўлжалланган таркиб **мухтасиблар** деб аталган. Улар бозорлардаги тош-у тарозилардан уриш ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олганлар ва ўз вазифаларидан келиб чиқиб жазо тайинлаганлар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари **ясағлик** деб аталган ва улар давлат ва жамиятнинг тинчлигини сақлашга масъул бўлиб, жиноятларни очишда муҳим аҳамият касб этган.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи таркиблардан бири **шихналар** деб аталган ва улар ҳарбий маъмурлар бўлиб, шаҳарлардаги тинчликни сақлашга масъул бўлганлар.

Амир Темур даврида **кўрчи** деб аталган

ган мансабдорлар давлатнинг қурол-яроғларини авайлаб-асраганлар, уларнинг қаерга ва нима учун ишлатилаётганлигини назорат қилганлар ва подшоҳ саройини кўриқлаганлар.

Юқоридаги далилларга таяниб, Амир Темур даврида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ихтисослашган, деган хулосага келиш мумкин. Улар кундузги, тунги ҳамда фуқаролик, шаръий ва ҳарбий бўлинмаларга ажратилган. Шунингдек, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятлари тезлик билан салтанат марказига етказилган. Давлат сири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, бошқа масалалар саройнинг очиқ кенгашларида кўриб чиқилган ҳамда юзага келган ҳуқуқбузарликларга нисбатан чора-тадбирлар қўлланилган.

Амир Темур даврида ҳуқуқ-тартибот ишларига икки томонлама масъуллар тайинланган. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир ҳудуднинг маъмурлари бу ишга жавобгар бўлган. Улар ўзлари бошқараётган маъмурий ҳудудларнинг хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлик ва хотиржамлигини таъминлашга масъул бўлган. Маъмурий тартибдаги кичик ҳуқуқбузарликларни жазолаш уларнинг ваколатига кирган. Агарда давлатга, шахсга, ҳаётга ва соғлиққа қарши жиддий жиноятлар содир этилса, улар тегишли қозиликларда кўрилган ҳамда содир этилган қилмишларга яраша жазолар тайинланган.

«Тузуқлар»да маъмурий тизим борасида ҳам жуда кўп қоидалар учрайди. Жумладан, Соҳибқирон ҳокимлар ҳар кимнинг туҳмат гапларига кириб, аҳолига жарима солишларини тақиқлайди.

«Агар оддий жангчилар ўз ҳаддидан ошиб, зулм-у ситамга қўл урсалар, уни мазлум қўлига берсинлар, токи адолат қарор топсин. Оқсоқол бошлиқлар агар майда раиятга зулм этар бўлсалар, қудрат ва йўриғига қараб жарима олсинлар.

Ҳоким ва доруға агар раиятни хароб этгудай бўлсалар, уларни ҳам хароб этсинлар<sup>15</sup>.

Амир Темур даври суд-ҳуқуқ тизими қатъий қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган.

Амир Темурнинг ўз набираси амирзода Умар (1383 йилда туғилган) номига битилган фармонда ҳам унга инъом этилган мамлакатларда адолат ва қонунга сўзсиз амал қилиши шартлиги алоҳида таъкидланган ва унда жумладан шундай дейилган: «Токи мазкур мамлакатнинг подшоҳлари, ҳокимлари, волийлари, амирлари, аён, ашроф ва таниқли кишилари номи юқорида эслатилган энг азиз фарзандни ул жойлар салтанат тахти ва вилоятларининг эгаси, нуфузли ҳокими ҳамда арзигулик ҳукмдор деб билиб, муҳим ишларда ва юртнинг барча заруратларида тўла-тўқис унга ва унинг ноибларига мурожаат қилсинлар; унинг мамлакат ободончилигининг асл низоми ва улар осойишталигининг мазмун-моҳиятидан иборат бўлмиш фармон ва буйруғидан бош тортмоқни лозим топмасинлар»<sup>16</sup>.

Фармонда қонунга қатъий амал қилиш шартлиги кўрсатиб ўтилган: «Фарзанд ушбу улуғ ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўла олсин ҳамда унинг қоидаларига шундай бир тарзда амал қилсинки, токи у оламнинг ободлиги ва инсоннинг тинч-тотувлиги билан яқун топсин; солих кишилар аҳли тақво ва иршод асҳоби сидқ ва ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда, тиришқоқлик намойиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариятга хилоф ишларнинг кўпайишини ва нодонлик қонун-қоидаларини таг-туғи билан йўқотишни зарур ва лозим деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради, сал-

танат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади»<sup>17</sup>. Фармонда масалага жиддий ва сергаклик билан ёндашиши алоҳида таъкидланади: «Бундан мурад шуки, ҳар ким нимаки билса, беҳавотир бизнинг арз иззатгоҳимизга етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан зарарни даф этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишга бепарволик қилмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин»<sup>18</sup>.

Бундан кўринадики, содир этилган жиноятга жазонинг муқаррарлиги тамойилига амал қилинган.

Бундай қоидалар нафақат мамлакатда, балки халқаро муносабатларда ҳам бош мезон бўлганлиги ҳақида манбалар шохидлик беради. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий шундай маълумот келтирган: «Соҳибқирондин аввал ҳолдаким, оламдаги вилоятларнинг ҳар бирида бир подшоҳ бор эрди ва аларнинг муҳолифат ва мунозибатлари жиҳатидин мусулмонлар ичида кўб ташвиш бор эрди. Ва ҳеч ерда амин ва амонлиқ қолмайдур эрди. Ва йўллар ўғри ва қароқчи жиҳатидин боғланиб эрди. Ва ҳеч мусулмон ҳеч сори боролмас эрди.

Вилоятларни золимларнинг эликларидин кутқариб, адлу эҳсон била ороста қилди. Ва анинг адлидин андоқ бўлдики, агар биров бир табақ олтун ё кумуш бошига қўйуб йалғуз саҳрода Бохтардин Ховарғача борғай, ҳеч киши анга тик боқа олмас эрди. Аммо, ул ҳолда кўб ерларни талаб асиру-торож қилди зарурат жиҳатидинким, агар андоқ қилмаса эрди, олам низом топмас эрди»<sup>19</sup>.

Шарафиддин Али Яздий салтанатда бирор кимсага зўравонлик қилинмагани, ҳатто ёлғиз ўтаётган ёш болаларнинг молига ҳам биров кўз олайтира олмайдиган даражада адолат ва қонун устуворлигига эришилганлигини алоҳида таъкидлаб, унинг бош сабаби жиноятга бериладиган

жазонинг муқаррарлигидан деб билмоқ керак, деб ёзади.

Унингча, агар Соҳибқирон қаттиққўл сиёсат юритмаса ва бебошларни жазоламаса мамлакатда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Демак, зўравонликка қарши давлатнинг куч ишлатмоғи шартдир. Ана шундагина адолат ва қонун устуворлигига эришиш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар»да «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч кимсанинг қурби етмасди», деб ўз салтанатида ўрнатилган адолат ва қонун устуворлиги ҳақида алоҳида таъкидлаган.

У қонун устуворлиги ва адолатни тарозининг икки палласидай мувозанатда тутишга интилди. Амир Темур ўз амирлари, амалдорларидан буйруқлар бажарилишида халқни камситмасликни талаб қилди.

Амир Темур давлатида ўғрилиқ, зўравонлик, шароб ичиш, зино ва бошқа жиноятлар учун энг оғир жазолар тайинланган. Академик олим И. Мўминов ҳам бу ҳақда шундай таъкидлаб ўтган: «Соҳибқирон ёзишмаларидан англанишича, салтанатда вақти-вақти билан сўроқ ва тафтишлар ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмом қилиш, порахўрлик, ичкиликбозлик, маиший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб бунга йўл қўйган кишилар қаттиқ жазоланган»<sup>20</sup>.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айбашлари ҳамда тухматлар билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъийян ман этилган эди.

Аммо, бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди<sup>21</sup>.

Жазо беришда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги, фуқаролар ноҳақ жазога тортилмаслиги шартлиги ҳақида Темур тузукларида алоҳида таъкидлаб ўтил-

ган: «Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим: агар салтанат ишларида улар хиёнат этсалар салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар. Авваламбор, уларни айбловчи ва хабар етказгучиларнинг кимлигини текшириб кўрсинлар. Қораловчилар даъволарининг рост-ёлғонлиги ва уларнинг тўғри сўзлигини маҳак тоши<sup>22</sup>га уриб синаб кўрсинлар.

Чунки, кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар ниятларини амалга ошириш учун ёлғон тўқиб, уни чиндай қилиб кўрсатадилар. Талайгина пасткаш, разил одамлар борки, давлат душманларини яхшилаб, давлат жонфидойиларини ҳийлагарлик ва маккорлик билан хароб қиладилар. Макру сотқинлик билан салтанат кўрғонига пуртур еткизмоқ пайида бўладилар».

Чунончи, амир Хусайн вазирларимдан бири билан тил бириктириб, унга бойлик ваъда қилган ҳолда, давлатимнинг таянчларидан бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жокуни менга қарши қайрашни буюрган. Унинг шум ниятидан огоҳ бўлдим ва менга улар ҳақида айтилган гапларга қулоқ солмадим<sup>23</sup>.

Амир Темур ўзи чиқарган ҳукм, бошқа фармон ва бошқа фармойишларни ўзгартирмас эди. Бу ўша давр одамлари учун олтин қоидага айлантирилганди. У шундай таъкидлаган: «Амр қилдимки, ҳар ҳукм ва ҳар сўзки, ҳар бобда мендан содир бўлса ундан қайтиб, ўзгартирмас эдим.

Агар амирлар ва вазирлардан ҳар киши уни ўзгартирса, сиёсат қилар эдим. Нединким, мендан сўнг подшоҳларнинг ҳукми ва сўзи шу тариқа қатъий бўлсин»<sup>24</sup>.

Амир Темур ҳаёти давомида турли-туман инсонларга кўп дуч келган ва жиноятларни ўз вақтида, тезкорлик билан ва адашмасдан очишга ҳамда айбдорларни жазолашга ҳаракат қилган.

«Биринчи ҳақни жойига қарор топтирган ишим шу бўлдики, Ироқ мулкида тайин этган вазирларимдан Азиз отли вазирга ҳасадчи ва ғаразли кишилар бир қатор игво ва бўҳтон битиб, унинг ҳужжатини менга келтирдилар ва арз этдиларки, Азиз вазир зулм кўрсатиб, раият ва савдогарлардан жабр билан олтин олганмиш. Уни ҳузуримга чақиришга ҳукм этдим, яна кўнглимга шу фикр келдики, маълумот берганларни ҳам чақирсам деб. Улар ҳозир бўлгач, Азизни жазолашга ҳукм этдим, аммо фикру мулоҳаза қилиб кўриб, ариза битувчиларни қайтадан сўроққа тутдим.

Шунда уларнинг тиллари айланмай қолди. Кейинги куни икки тарафни юзма-юз қилдим. Шу билан Азиз вазир ростлик юзасидан улардан ғолиб келиб, ҳақиқат юзага чиқди. Шундан сўнг игвогарларни жазосини бериб, ноҳақ иш қилмаганимга худога шукур қилдим», дея таъкидлайди Амир Темур<sup>25</sup>.

Бағдодда эканлигида Амир Темур ҳузурига уч оқсоқол одам келиб бир савдогар устидан арз қиладилар. Улардан бири бир савдогарда моли борлиги, аммо у жабр-зулм қилиб молини қайтариб бермаётганини айтди. Икки оқсоқол уларга гувоҳлик берди. Қози уни чақиртириб, ўша икки қария гувоҳликка ўтганларидан кейин молни қайтариб беришга ҳукм қилди. Амир Темур бу ишдан шубҳаланди ва уларни қайта сўроқ қилиб, асл ҳақиқатнинг тагига етади. У оқсоқол иккита гувоҳни тил бириктириб олиб келган экан.

Ҳақ жойига қарор топгач, уч оқсоқол жазоланади ва шариат қозиларига Ироқи Араб аҳлининг гувоҳлигини қабул қилмаслик шарт қўйилади.

Тарихий манбаларда бу каби маълумотлар анча-мунча топилади.

Амир Темур жиноятчиларни тутишда дипломатик йўл ҳам қўллаган. Унинг ҳиқоя қилишича, «Яна бир ҳукм чиқарган

ишим шу эдики, саррофлардан (пул майдаловчи) бир жамоа келиб, менинг олдидимда фарёд урдиларки, бир неча сандик жавоҳир ва безалган буюмлар тилла ва кумушни Истанбул Қайсариясига қўйган эдик, уларни ўғри олиб кетибди ва қаёққа кетгани маълум эмас. Шу пайт бир хушқомат кимса эшикдан кириб, бу молларни мен олиб кетгандим, деди. Шунда ноҳаддан тутиб олиб келиб сўроққа тутилаётган одамларни чақиртирдим. Мен бу маҳалла одамларини бўшатишга ҳукм этиб, келган кимсани мол эгасига топширдим. Шу билан мол эгалари қайтиб келиб яна фарёд этдиларки, ўша ўғри бизларни бир қудуқ бошига элтиб, у молларни шу ерга қўйгандим, деди ва белига бир ип боғлаб қудуққа тушиб ғойиб бўлди. Текшириб кўргач маълум бўлдики, тагидан тешик қазиган экан. Ўша ерости йўлидан чиқиб бадар кетибди. Мен бу ўғрини мақтаб, бегуноҳларни халос этиб, ўз мардлигини билдирди, дедим. Мен уни олқишлаганимни эшитиб, беҳосдан ўзи ҳузуримга келди ва мен уни сийлаб жиловимдаги паҳлавонлар сафидан ўрин бердим. У саррофларнинг молини тўлиғича қайтиб берди. Мен ўрнига мол бердим»<sup>26</sup>.

Амир Темурнинг турли жиноятларни очишдаги закосини англаб, ҳақиқатни очиш, адолатни қарор топтириш қозилардан катта билим ва хушёрликни талаб қилганини англаш мумкин.

Салтанатда шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятларга «Ясоқ» қонунлари бўйича жазо берилган.

Унга мувофиқ, Ўрта аср анъаналарига хос бўлган бармоқ, қўл, бурун, қулоқ кесиш, кўзга мил тортиб кўр қилиш, дарра ва қамчи билан уриш, сазойи қилиш каби жазо турлари қўлланилган.

Хилда Хукхэм «Ясоқ» қонунларига бинонан содир этилган жиноятларга қаттиқ жазолар қўллангани, айниқса, от ўғирлаган кимса жазодан қутулиш учун яна тўққизта от

бериши шарт бўлгани, акс ҳолда у қатл этилгани ҳақида маълумотларни келтирган<sup>27</sup>.

«Тузуқлар»да «Ўғрилар хусусида буюрдимким, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ясоқ бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар», деб таъкидланган.

Амир Темур қарвон йўлларидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида турли қонунларни жорий этди. Қарвон йўлларида агар кимгадир ҳужум қилиниб, унинг моли тортиб олинса, ўша ернинг ҳокими мол эгасига йўқотилган молнинг икки баробар миқдорида жарима тўлаган, шу ҳолатни назорат қила олмаганлиги туфайли Амир Темур хазинасига эса беш баробар миқдорда жарима тўлаган<sup>28</sup>.

Ўрта аср удумларига асосан салтанатда турли жазо усуллари мавжуд бўлган.

Кўзни кўр қилиш жазоси «кўзга мил тортиш» деб аталган ва бу жазо жуводизга ўхшаш металлдан ишланган асбоб (мил) орқали амалга оширилган. У қаттиқ қиздирилган ва кўзга суртилган<sup>29</sup>.

Оғир жиноят содир этган кишилар дорга осилган ёки боши кесилган.

Тош-у тарозилар, маънавий гуноҳлар учун жазони ижро этувчи кишилар **ихтисоб аҳли** деб юритилган, уларга **мухтасиб** бошчилик қилган.

Соҳибқирон Амир Темур давлатида мард, жасур, ишбилармон ва тадбиркор кишилар юқори даражада ҳурмат-эътиборда бўлган, жазо борасида ҳам уларга енгилликлар яратилган. Соҳибқирон айтдики, «Ботир кимсанинг гуноҳи исботлангандан кейин ундан жарима олсалар, сўнг яна дарра билан урмасинлар».

«Тузуқлар»да бирор кишининг айби исботланганда унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса жарима солмаслик, яъни «бир

жиноятга фақат бир жазо» тамойили мустаҳкамлаб қўйилган.

Мансабдорлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга жазо тайинлаш алоҳида назорат қилинган. Мансабдорлар томонидан содир этилган қилмиш турига – эҳтиётсизлик туфайлими ёки қасддан содир этилганлигига аҳамият берилган ва шунга яраша жазо тайинланган.

Агарда қишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг шароитига кўра, жарима солинган, яъни фуқароларнинг ижтимоий турмуш тарзи эътибордан четда қолмаган.

Агар **доруға** ва шаҳар ҳокими халққа жабр-зулм этса, уларни хонавайрон этса, бу қилмишига яраша аёвсиз жазоланган. Бу жазо оддий жаримадан тортиб, ўлим жазосигача бориб етган.

Давлат амалдорларининг қўпоровчилиги, порахўрлиги ва бошқа жиноятлари ҳам энг хавфли жиноятлардан ҳисобланган. Булар бугунги кундаги коррупция ва қўпоровчилик жинояти турига тўғри келади.

Бундай жиноятларни давлатга қарши қаратилган жиноятлар деб ҳисобланган ва уларга қаттиқ жазолар тайинланган. Давлатнинг мажбурлов функцияси уларни таг-томири билан йўқотиш, давлатдаги барқарорликни мувофиқлаштиришга қаратилган эди.

Амир Темур ва темурийлар давридаги мажбурлов аппаратининг тарбиявий кучи шундаки, жазолар халқдан яширинча эмас, очиқчасига бозор ва халқ гавжум бўлган майдонларда ижро этилган.

Шарафиддин Али Яздийда ҳам бундай маълумотлар кўплаб келтирилган. Жумладан, у шундай ёзган: «Соҳибқиронни комкор шаҳзода Шохруҳ Мирзони Самарқандда йибардиким, анда бориб забтига машғул бўлғай ва дод адли била машғул бўлиб, раъойо, фуқаро ва масокин

аҳволларидин ғофил бўлмағай деб шаҳзодага кўп панд сўзлар ва насиҳатлар қилди. Ва аввал насиҳат сўзи бу эрдиким, «Анда борсанг, ўзингдин ғофил бўлмағил ва раъийат аҳволидин хабардор бўлғил. Иккинчи улким, тоат ва ибодатда комиллик қилғайсен. Ҳар вилоятдаким, девон ва зобит ва доруға қўйсанг, мўмин ва мусулмон кишини қўйғил ва андоқ кишини қўймағилким, мусулмонларга зулм қилғай»<sup>30</sup>.

Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар, дейилади «Тузуклар»да.

У хирож йиғувчи амалдорларга нисбатан шундай фикрда эди: Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш ва кўрқитиш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

Амир Темур «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимга қарши мазлум додига етдим», деган эди.

Амир Темур фуқароларни кўрқинч ва умид орасида сақлаган, у буни зарурият деб билган эди. Бу эса, бизнингча, фуқароларнинг жамият ва қонун олдидаги ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари, имкониятлари, чегаралари, уларни химоя қиладиган, жазолайдиган кучли давлат турганлигини ҳар лаҳза эслатиб турган ва содир этаётган хатти-ҳаракатларидаги масъулият, жавобгарлик ҳиссиётларини уйғотган. Бундан англашиладики, Амир Темур қонунлар ва унинг амалдаги ижросининг таъминлани-

ши давлатнинг қудратли бўлишига хизмат қилади, деб тушунган.

Ўрнатилган қонунларга, аввало, Амир Темурнинг ўзи амал қилар, оила аъзоларидан ҳам шуни талаб этар эди. Агарда кимки қонунларга хилоф иш қилса, оила аъзоси бўлган тақдирда ҳам қаттиқ жазоланган.

Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо ботир, жасур, масъулиятли ва тадбиркор амирзода бўлиб, келажакда улуғ давлатга у ҳукмдор бўлиб қолиши мумкин эди. Аммо, унинг бир ноқонуний ҳаракати барча режаларини чиппака чиқарди. Халил Султон Мирзо амир Сайфиддиннинг канизаги бўлмиш Шодимулк оғога ношаръий уйланиб олганлиги туфайли, оғир жазога буюрилади. Кейинчалик у афв этилди, бироқ унинг адолатли иш юритишига ишонч қолмаган эди. Шу туфайли у ҳокимиятни бошқаришдан маҳрум этилди. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, бундай темир қонунлар, жазо усуллари давлат ва жамият ўртасидаги мутаносибликни таъминлаган.

Молия ишлари бўйича содир этилган жиноятлар шундай жазоланган:

1. Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар, аввало, текшириб кўриш талаб этилган;

2. Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-салом ўрнида берилган;

3. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортигини оладиган маошидан ушлаб қолинган;

4. Агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинган<sup>31</sup>.

Жанглardan қочиш ва кўрқоқлик ўлимдан ҳам ёмон жиноят ҳисобланган. Шу-

нинг учун Амир Темур сипоҳи шижоат ва жасурлик билан жанг қилган. Соҳибқирон салтанатида маънавий жазо усуллари ҳам яхши самара берган.

Соҳибқирон салтанатида сотқинлик энг олий жиноят ҳисобланган. Бирон навкар душман билан келишиб, ўз эгасига мунофиқлик қилса, бундай навкар душман кўлига топширилган.

Агар сипоҳий қисмлардан ёки амирлардан қайси бири ёв билан келишиб, ғаним сафига бирлашса, улар юртдан чиқариб юборилган, мамлакатда уларга ўрин берилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур адолатсизлик, ҳуқуқбузарлик содир қилганлар учун жазо тайинлашда қонунчилик, адолат ва инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда сиёсат юритганки, бу эса жамиятдаги бошқа шахсларни бундай салбий ҳатти-ҳаракатларни содир этишдан тўхтатишга имкон берган<sup>32</sup>.

Агарда Амир Темур ўғилларидан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдириш, тан жароҳати етказиш, кишанлашга руҳсат берилмаган.

Соҳибқирон давлатида сипоҳийларнинг жиноят ва жазо масалалари қаттиқ бўлган. Агарда қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, у мазлум кўлига топширилган ва жабрланувчи унинг жазосини берган.

Эркакларнинг соқолини қириб, юзига упу суриб шаҳар кездирилиши ўлим билан баробар жазолардан саналган.

Юқоридаги фикрлар, далиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур даврида содир этилган жазо усулларида адолат қоидаларига қатъий амал қилинган. Уларда қонун устуворлиги, унинг барчага баробарлиги, давлатнинг куч-қудрати, бошқарувчилик маҳорати таъминланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи таркибнинг аниқ белги-ланган вазифа ва йўналишлари бўлган.

Амир Темур даврида содир этилган жиноятлар ва уларга берилган жазо усуллари обдон ўрганган Фарб олими Ҳерман Вамбери бу ҳақда шундай хулосага келган эди: «Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки мартаба хатодир. У аввало Осиё саркардаси эди. Ўзининг ғолиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари томонидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари теранроқ қаралса жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган»<sup>33</sup>.

Бугунги кундан тубдан фарқ қилган,

урушлар хавфи кучли бўлган ўрта асрларда тинч-фаровон ҳаётни таъминлаш учун ана шундай жазо усуллари қўллаш бизнингча тўғри эди, албатта. Чунки, бундай жазо усуллари ўша даврда қўплаб давлатларда қўлланиларди. Амир Темур ҳам ўз даврининг анъаналарига биноан давлат бошқарувини олиб борган эди.

Амир Темур салтанатининг суд-ҳуқуқ тизими қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган бўлиб, давлатнинг мажбурлов кучини сақлаб туришда муҳим асос бўлди.

**Ш. ЎЛЖАЕВА,**  
**тарих фанлари доктори,**  
**профессор**

<sup>1</sup>Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -Тошкент, Шарқ, 1997. -Б. 275.

<sup>2</sup>Клавихо Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б.174.

<sup>3</sup>Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. - Тошкент: Маънавият, 1999. - Б. 80.

<sup>4</sup>Темур тузуклари ... - Б.119.

<sup>5</sup>Тожионов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон ИИВ Академияси, 1998. 1-жилд. - Б. 178.

<sup>6</sup>Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. - Тошкент:Шарқ, 2000. - Б.180-181.

<sup>7</sup>Ахмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати / Амир Темурни ёд этиб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.16

<sup>8</sup>Қиссаи Темур...-Б. 222-223.

<sup>9</sup>Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да давлат ва ҳуқуқ масаласи: Юрид. фан. номз. ... дисс. - Тошкент: ИИВА, 2002. - Б. 105.

<sup>10</sup>Клавихо Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б. 204.

<sup>11</sup>Клавихо Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б. 204-205.

<sup>12</sup>Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси. Тошкент, Фан, 2004. -Б. 179.

<sup>13</sup>Абдураззоқ Самарқандий. Маглаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн □ Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли, луғатлар А. Ўринбоевники. 2-жилдди. - Тошкент: Фан, 1969 й. -Б. 75, 90, 184, 176, 235, 436, 11.

<sup>14</sup>Бобурнома...-Б.17.

<sup>15</sup>Қиссаи Темур...-Б. 222-223.

<sup>16</sup>Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 385.

<sup>17</sup>Ўша китоб. - Б. 385.

<sup>18</sup>Ўша китоб. - Б. 371.

<sup>19</sup>Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... - Б. 292.

<sup>20</sup>Мўминов И.М. Асарлар. Уч жилдлик.Т.: Фан, 1969. 1-жилд. - Б.434-435

<sup>21</sup>Р. Худойбердиева. Амир Темур даврида давлат бошқарувидаги қонунчилик ва тартибот. «Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон» мавзусидаги Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари // Тошкент: Фан, 2006. -Б. 193.

<sup>22</sup>Маҳяк тоши — қумуш ва олтиннинг тозаланини аниқлаб берадиган қора тусли тош (Ш.Ў.).

<sup>23</sup>Темур тузуклари...-Б. 92.

<sup>24</sup>Қиссаи Темур...-Б. 178.

<sup>25</sup>Қиссаи Темур...-Б. 263.

<sup>26</sup>Қиссаи Темур...-Б. 264.

<sup>27</sup>Хукхэм Х. Властитель семи созвездий / Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. - С. 165.

<sup>28</sup>Хукхэм Х. Властитель семи созвездий ... - С. 165.

<sup>29</sup>Абдураззоқ Самарқандий. Маглаи саъдайн ... - Б. 457 .

<sup>30</sup>Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... - Б. 172.

<sup>31</sup>Маматов Х. Т. «Темур тузуклари»да ... - Б. 117 ; ёки қаранг: Темур тузуклари ... - Б. 94-98.

<sup>32</sup>Ўша жойда.

<sup>33</sup>Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи ... - Б. 18.